



ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТЛАРНИНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ ЖИҲАТЛАРИ

Ортиқов Уйғун Давлатович,

Тошкент молия институту

“Банк ҳисоби ва аудит кафедраси” доценти, и.ф.н.

Email: ortiqovuygun75@gmail.com, <https://orcid.org/0009-0000-1580-9687>

CERTAIN ASPECTS OF ATTRACTION AND MANAGEMENT OF DEPOSITS IN UZBEKISTAN COMMERCIAL BANKS

Ortikov Uygun Davlatovich,

Tashkent Institute of Finance

PhD., Associate Professor of the Department of Bank accounting and audit,

Email: ortiqovuygun75@gmail.com, <https://orcid.org/0009-0000-1580-9687>

JEL Classification: E5, E58

Аннотация: Мазкур мақола-да банкларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва бошқариш, хусусан тижорат банклари депозитларининг жалб қилиш ва бошқаришнинг долзарб муам-молари ўрганилиб, асосий кўрсаткичлар таҳлили кўриб чиқилган. Тадқиот материал ва методларига кўра мавзу юзасидан бир қатор хорижий ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодчи-олимлари томонидан берилган таърифлар ҳамда фикрлари ўрганилиб, муаллиф томонидан шарҳланиб уларнинг мазмуни очиб берилган.

Шунингдек мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда, тижорат банкларида активларни бошқаришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш борасида таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Тижорат банклари депозитларининг жалб қилиш ва бошқаришнинг долзарб муам-моларини

ўрганиш давомида мамлакатимиз тижорат банкларида молиявий ресурсларни бошқариш, уларни бошқаришнинг қулай бўлган усулларини қўллашга доир назарий ва амалий билимларни кенгайтириш йўллари ўрганилиб, иқтисодиёт йўналишларидаги олий ўқув юртларида банк фаолияти билан боғлиқ фанларни ўқитиш, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўланмаларни тайёрлаш, шу билан бирга тадқиқот мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун манба сифатида кенг фойдаланиш масалалри бўйича таклифлар келтирилган.

Abstract: In this article, the actual problems of the formation and management of financial resources in banks, in particular, the attraction and management of deposits of commercial banks, and the analysis of the main indicators are considered. According to the research materials and methods, the definitions and opinions given by a number of foreign and national economists-scientists on the topic were studied, and the author explained their meaning.

Also, in the article, proposal and practical recommendations are given in the development of the draft of the regulatory legal document on the management of financial resources of the commercial banks of the Republic of Uzbekistan, and the development of the program of measures aimed at the management of assets in the commercial banks.

During the study of the current problems of attracting and managing deposits of commercial banks, ways of expanding theoretical and practical knowledge of managing financial resources in commercial banks of our country, using convenient methods of their management, and teaching subjects related to banking activities in higher educational institutions in the field of economics, educational programs, textbooks and preparation of training manuals, at the same time, suggestions are made on issues of wide use as a resource for researchers conducting scientific research on the research topic.

Калим сўзлар: *тижорат банки, депозит, кредит, контрагент, банк тизими, инфляция таргетлаш, валюта сиёсати, молиявий барқарорлик, ликвидлик, молиявий ресурс, актив, пассив*

Key words: *commercial bank, deposit, credit, counterparty, banking system, inflation targeting, currency policy, financial stability, liquidity, financial resource, asset, liability*

Қириш. Республикамиз тижорат банкларида депозитларни жалб қилиш ва бошқариш банк соҳасидаги долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда. Мазкур ҳолат мамлақтамиздаги мавжуд тижорат банкларининг амалдаги ҳолати таҳлилини ўрганишни талаб этмоқда. Ҳозирга шиддат билан ривожланиб бораётган замонда, иқтисодий рақобат йўлида банкларнинг муҳим вазифаларидан бири – ўз миқозлари ва контрагентлари олдидаги

мажбуриятларини бажара олишидир. Бу вазифаларни бажариш юзасидан мамлакатимизда ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Бугунги кунга қадар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда, хусусан тижорат банклари фаолиятини янада ривожлантиришда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Булар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”[1] ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”[2] ги, 2019 йил 11 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаш-тириш тўғрисида»[3]ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон “Валюта сиёсатини либерал-лаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-табирлар тўғрисида”[4] ги фармонлари, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини ошириш-га оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»[5] ги, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»[6]ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»[7]ги қарорларидир. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Материал ва метод.

Халқаро иқтисодий муносабатларда ҳамда республикамизда бир қатор иқтисодчи-олимлар тижорат

банклари ҳамда уларни инвестиция портфелининг моҳиятини ёритиб беришга ва унинг мазмунини тўлиқроқ ифода этиш борасида ўз қарашлари ва фикрларини билдириб ўтишган. Жумладан О.И.Лаврушин “Актив-ларни бошқаришнинг мақсади банк бош стратегияси натижаларини баланс таркиби ва рентабеллигига кўра таҳлил қилиш орқали номуносивликни бартараф этиш ёки тўғрилаш ҳамда банк фаолиятини рисклардан ҳимоялашдир”[8] – дея таъриф беради. Фикримизча, ушбу масалага авваламбор банк стратегияси нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, стратегия асосида мақсадлар тизими ётади, яъни банк стратегиясининг турли вақт оралиғида турлича мақсадлар кўзланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, вақт горизонтига кўра активларни бошқаришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли аспектарини фарқлаш мумкин. Қисқа муддатли (1 йилгача) аспектда активларни бошқариш-нинг асосий мақсади меъёрий риск даражасида соф фоиз даромадини максималлаштириш ёки аксинча, меъёрий соф фоиз даромади даражасида рискни минималлаштиришдан иборат. Узоқ муддатли аспектда активларни бошқаришнинг асосий мақсади банк капиталининг бозор қийматини максималлаштиришдан иборат. Банк капитали бозор қийматини ошириб бориш банкнинг ривожланиши ва назорат органларининг ошиб боровчи талабларини бажариш имкониятини яратади.

Иқтисодий адабиётларда банк активлари ликвидлигига иқтисодчилар томонидан деярли бир хил таъриф берилади. Жумладан, банк активлари ликвидлиги (Yensu Joseph, Hadrat Yusif, 2021) банк активларининг тез пулга айланиш даражасидир.[9]

Банк бошқаруви ва банк томонидан кўрсатиладиган молия-вий хизматлар

(Farag, Harland, va Nixon, (2013) тўғрисида изланишларда эса банк активлари ликвидлигига қулай баҳода, талаб қилинган миқдорда ва керакли вақтда ликвид активларни топа олиш қобилияти деб таъриф берилган.[10]

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ж.Синкининг фикрига кўра, тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда федерал фондлар, депозит сертификатлари каби активларини сотиш ва Репо-битимларидан кенг кўламда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, бу эса, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривож-ланганлиги ва қутилаётган даромад назариясини амалиётда қўл-ланилаётганлиги билан изоҳ-ланади[11].

Банк ресурслари тўғрисида республикамызда Б.Бабаев[12] томонидан илмий тадқиқот иши олиб борилган. Унда банк ресурсларининг моҳияти, таркиби, ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кенг очиб беришга ҳаракат қилинган. Бирок, бизнинг фикримизча, банк ресурслари ва уларнинг моҳияти ҳамда ишлатилиши билан боғлиқ муаммолар мазкур муаллифнинг ишида ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Республикамызда пул бозорини шакллантириш ва унда пул ресурслари билан операциялар ўтказишда банклар фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк ресурслари тушунчасини ҳамда банкларнинг ресурслар билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган операцияларнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш лозим[13].

Ҳатто охириги йилларда мамлакатимизда амалга ошири-лаётган илмий тадқиқот ишларида, ўқув китоблари, монографияларда молиявий ресурслар, кредит ресурслари, молиявий механизмлар ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган кўплаб

масалалар кўтарилган бўлсада, уларда банк ресурсларини бошқариш масалаларини комплекс ўрганиш четлаб ўтилган[14].

Шу боисдан, тижорат банклари ресурслари моҳиятини таърифлаганда нафақат уларнинг қайси манбалар ҳисобидан ташкил қилинганлигини эътиборга олиш, балки у маблағлар банкнинг мақсадли фаолияти учун зарур ва муҳимлигини ҳамда уларнинг самарадорлигига эришишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Тижорат банклари депозитларни жалб қилиш ва бошқариш борасида мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банкларнинг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Тижорат банклари депозитларни жалб қилиш ва бошқаришга назарий ёндошувлар ва тижорат банкларининг амалдаги ҳолати бўйича маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида қузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижалар. Тижорат банклари депозитларини бошқаришда қўлланиладиган усуллар банкларнинг пассив операцияларини бошқариш-даги мавжуд усуллардан фарқ қилмайди. Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари пассивларини бошқаришда асосий эътибор депозитларни, яъни тижорат банклари:

- талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар (муд-датсиз депозитлар);

-муддатли депозитлар;

-жамғарма депозитларни жалб этишга қаратилади. Чунки, халқаро банк амалиётида банкларнинг пассив маблағлари таркибида депозитларнинг улуши 65-70 фоизни ташкил этади. Мазкур масала бўйича Ўзбекистон тижорат банклари пассивлари таркибида эътибор берадиган бўлсак депозитларнинг улуши кейинги йилларда халқаро банк амалиётидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада паст бўлиб ўртача 43-46 фоизни ташкил этмоқда.

Тижорат банклари депозитларини бошқариш ҳолатига баҳо беришда уни макро ва микродаражада таҳлил қилиш, шунингдек пассив операциялар асосида жалб қилинган депозитларни банк кредитларига нисбати кўринишида баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон банк тизими кредитлари ва депозитларининг мамлакат ЯИМга нисбатан абсолют ва нисбата даражаларини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Ўзбекистон банк тизими кредитлари ва депозитларининг мамлакат ЯИМга нисбати[15]

(Январь ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
ЯИМ (йиллик)	406 648,5	511 838,1	602 193,0	738 425,2	888 341,7
Кредит қўйилмалари	167 390,6	211 580,5	276 974,8	326 385,6	390 048,9
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати, фоизда	41,2	41,3	46,0	44,2	43,9
Депозитлар	70 001,4	91 009,0	114 746,9	156 189,8	216 737,5

Депозитларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	17,2	17,8	19,1	21,2	24,4
--------------------------------------	------	------	------	------	------

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, мамлакат ЯИМ сингари банк тизимининг кредитлари ва депозитлари ҳажми абсолют суммада сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Шунга қарамасдан, банк тизими кредитлари ва депозитларининг мамлакат ЯИМга нисбатан улуши сезиларли даражада ўсаётган бўлсада, бироқ ушбу ўсиш мутаносиб эмаслигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, банк депозитлари 2019 йил 1 январда мамлакат ЯИМга нисбати 17,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 24,4 фоизни ёки 6,8 пунктга ортганини таъкидлашмиз мумкин.

Албатта, бу ижобий ҳолат бўлсада, бироқ банкларнинг жами депозитлари суммасининг кредит қуйилмаларига нисбатан сезиларли даражада пастлиги айнан депозитларни бошқаришда қатор долзарб масалалар ва муаммоли ҳолатлар сақланиб қолаётганлигидан далолат

беради.

Демак, бизнинг назаримизда диссертация ишининг мазкур параграфида тижорат банкларининг пасивларини бошқаришда қўлланиладиган усулларнинг қўланилиши ва самарасини ошириш масалалари билан бирга, мамлакатимиз банк тизими мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши нима сабабдан халқаро банк амалиётидаги депозитларнинг улушидан, қолаверса кредит қуйилмаларидан паст даражада бўлишининг сабабларини тадқиқ этиш орқали буни ошириш билан боғлиқ тавсияларни ишлаб чиқиш ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон банк тизими депозитларнинг жалб қилиниши билан боғлиқ ҳолат ва уларнинг мажбуриятлар таркибидаги улушини қуйидаги жадвал маълумотлари ёрдамида кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон банк тизими мажбуриятлари таркиби ва динамикаси[15]

(1 январь ҳолатига, улуши фоизда)


Мажбуриятлар манбаси	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.
Депозитлар	37,3	41,1	37,3	41,8	45,4
Марказий банкнинг ҳисобварақлари	0,3	0,8	0,4	0,2	0,2
Бошқа банклар маблағлари - резидентлар	3,4	4,5	4,2	3,6	3,9
Бошқа банклар маблағлари - норезидентлар	0,3	0,4	1	1,2	4,8
Олинган кредитлар ва лизинг	55,6	47,5	49,3	46,5	39,1
Чиқарилган қимматли қоғозлар	0	1,3	3,1	2,8	2,3
Субординар қарзлар	0,1	1,8	1,3	1,1	1,4
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	1,2	1,1	1,2	1,1	1,1
Бошқа мажбуриятлар	1,9	1,7	2,2	1,8	1,8
Жами мажбуриятлар	100	100	100	100	100

Жадвал маълумотлари асосида хулоса қиладиган бўлсак Ўзбекистон банк тизими мажбуриятлари таркибида таҳлил этилаётган 2019-2023 йиллар давомида манбаларининг улуши ўртасида сезиларли даражада ўзгаришлар юз бермоқда. Албатта, бу табиий жараён бўлиб тижорат банклари манбаларининг таркиби ва уларнинг улушига турли омиллар таъсир кўрсатади.

Жадвал маълумотларини депозитлар улуши нуқтаи назаридан таҳлилга ўтадиган бўлсак 2019-2023 йиллар давомида ушбу манбанинг улуши ортиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, банк тизими мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши 2019 йил 1 январда 37,3 фоизни ташкил этган бўлса 2023 йил 1 январь ҳолатига келиб ушбу даража 45,4 фоизга етган ёки таҳлил этилаётган даврда 8,1 пунктга ортганини кузатишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, таҳлил этилаётган давр мобайнида тижорат банклари мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши 8,1 пунктга ортиши ижобий ҳолат бўлсада, бизнинг назаримизда ушбу манбанинг улуши 45,4 фоиз бўлиши етарли эмас, балки бу кўрсаткич камида 70,0 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижасида тижорат банклари депозитларининг ҳажми абсолют суммада сезиларди даражада юқори сураётлар билан ортиб бормоқда. Қуйидаги расмда Ўзбекистон банк тизими мажбуриятлари манбалари, суммаси ва динамикаси хусусида маълумотлар келтирилган.



1-расм. Ўзбекистон банк тизими мажбуриятлари таркиби, суммаси ва динамикаси[15] (млрд сўм ҳисобида).

Расм маълумотларидан кузатиш мумкинки, мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари таркибида депозитлар суммаси абсолют миқдорда сезиларли даражада ортиб бормоқда. Хусусан, тижорат банкларининг депозит-

ларининг суммаси 20219 йил 1 январь ҳолатига 70,0 трлн сўмни ташкил этган бўлса 2023 йил 1 январь ҳолатига 216,7 трлн сўмга етган ёки таҳлил этилаётган даврда 3,1 мартага ортган.

Таҳлиллар натижасига кўра, кейинги йилларда тижорат банкларида нафақат кредитлар, балки депозитлар бўйича ҳам хорижий валюталарнинг улуши ортиб бормоқда. Албатта, бунга бир жihatдан ижобий ҳолат сифатида қараш мумкин, бироқ иккинчи жihatдан берилган кредитлар ва жалб қилинган маблағлар таркибида хорижий

валюталарнинг улушини ортиб бориши Марказий банкнинг монетар сиёсатига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис Марказий банк юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги хорижий валюталарда жалб қилинган маблағларига нисбатана мажбурий захира меъёрларини ошириб бормоқда, буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон Марказий банкнинг тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари бўйича айрим саналарга мажбурий захира меъёрлари[15]

Мажбурият тури	2018 йил 1 июндан	2021 йил 1 июндан	2021 йил 5 августдан
Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари	4	4	4
Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	14	18	18
Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари	4	4	4
Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари	6	18	18

Жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, тижорат банклари юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган миллий ва хорижий валюталар бўйича мажбурий захиралар меъёрлари турлича бўлиб, хорижий валютадаги маблағларга нисбатан сезиларли даражада юқори ўрнатилган.

Тижорат банклари депозит-ларини бошқариш доирасида амалга оширилаётган тадқиқот ишимизни микродаражада амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда фаолият юритаётган айрим йирик тижорат банклари пасивлари таркибини атрофлича кўриб чиқамиз.

4-жадвал

“Асакабанк” АЖнинг депозитлари таркиби ва динамикаси[16]

(млрд сўм ва фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Жами ресурслар таркибида депозитлар улуши	фоизда	28	32	27	26	34
Муддатсиз депозитлар	суммаси	3417	3604	3615	3506	3312
	улуши	48,6%	43,5%	36,4%	31,9%	22,3%
Муддатли депозитлар	суммаси	3 353	4 495	6 091	7 223	11 118
	улуши	48%	54%	61%	66%	75%

Жамғарма депозитлар	суммаси	256	185	215	249	452
	улуши	4%	2%	2%	2%	3%
Жами депозитлар		7 026	8 284	9 921	10 978	14 882

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, "Асакбанк" АЖнинг жами ресурслари таркибида депозит-ларнинг улуши унчалик юқори даражага эга эмас, шу билан бирга унинг депозитлари таркибида жамғарма депозити улуши сезиларсиз даражани ташкил этмоқда.

"Асакабанк" АЖнинг депозитларининг манбалари бўйича хулоса қиладиган бўлсак бу борада ижобий ўзгаришларни кўришимиз мумкин, хусусан унинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит-лари (муддатсиз депозит-лари)нинг улуши муддатли депозитларига нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Масалан, банкнинг муддатсиз депозитлари 2019 йил 1 январь ҳолатига 48,6 фоизни ташкил этган бўлса 2023 йил 1 январь ҳолатига 22,3 фоизга тушган, бунинг акси сифатида айнан шу даврда банкнинг муддатли депозитлари 48 фоиздан 75 фоизга ортган.

Бунинг ижобий жиҳатлиги шундаки, банк учун барқарор рискка тортилган активлар бўйича операцияларни бажариш имконият-ини бериш билан бирга, ликвидликни таъминлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса. Ўзбекистон банк тизими молиявий ресурслари таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш натижаларига таянган ҳолда қуйидаги долзарб масалалар ва тенденциялар аниқланди:

тижорат банклари муддатли депозит маблағлари ҳисобидан ресурсларни шакл-лантириш амалиёти жуда заиф. Тижорат банклари қисқа муддатли кредитлаш институти сифатида барқарор ресурсларга катта эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжнинг асосий қисми уларнинг муддатли депозитларига жалб қилинадаган маблағлари ҳисобидан қондири-лиши банкларга ликвидликни таъминлаш имконини беради.

Таъкидлаганимиздек, банкларнинг талаб қилиб олингунча сақлана-диган ҳисоб-варақаларидаги маблағлар нисбатан беқарор ресурс ҳисобланади. Банклар ушбу маблағлардан кредит ресурслари сифатида актив операцияларда фойдаланиши мумкин. Лекин, банкнинг ушбу маблағлардан кредит ресурси сифатида фойдаланиши уларнинг ликвидлигини таъминлашга сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатади. Чунки, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлари миқдорлар томонидан қўрилмаган пайтда қисман ёки тўлиғича талаб қилиб қолиниши мумкин. Ёки қарз олувчининг иқтисодий жиҳатдан молиявий беқарорлиги туфайли кредитга берилган маблағ банкка қайтмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда банк иқтисодий жиҳатдан икки томонлама молиявий зарар кўради;

юридик ва жисмоний шахслар банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитларига маблағ-ларини қўйишдан манфаатдор эмас. Юридик ва жисмоний шахслар банкка қўйилган маблағларнинг сақланишига, қайтарилишига ва улардан олинадиган



фоизларнинг барқарор бўлишига ишонч ҳосил қилгандагина муддатли ва жамғарма депозитларга маблағларни топширишга мойил-лик сезади.

Омонатчиларнинг муддатли жамғармаларга маблағларни қўйишида инфляция даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Агар инфляция даражаси сезилари даражада юқори бўлса, омонатчиларнинг иқтисодий манфаатдорлиги камаяди. Натижада, омонатларни банкларга қўйишга бўлган мойиллик пасаяди. Чунки ушбу омонатлардан олаётган даромад миқдори инфляция таъсирида ўзининг қийматини йўқотади.

Тижорат банклари депозит маблағлари ҳисобидан шакл-лантираётган ресурслари уларнинг актив операциялари бўйича эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмас. Чунки, тижорат банкларнинг жами ресурслари таркибида депозит маблағлар жуда паст миқдорни ташкил этади.

Демак, тижорат банклари депозит операциялари ҳисобидан кредит ресурсларни жалб қилиш амалиёти жуда заиф бўлиб, ушбу масала банк ресурсларини бошқаришдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Манба: <https://www.lex.uz/docs/4811025>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. Манба: <https://www.lex.uz/docs/4600824>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-табирлар тўғрисида” ги Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/3326421>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сон «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. Манба: <https://www.lex.uz/docs/3593541>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Манба: <https://www.lex.uz/ru/docs/3342348>
8. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка. - М.: КНОРУС, 2021. 580 с.
9. Yensu Joseph, Hadrat M. Yusif, Emmanuel Tetteh, George Asumadu, Daniel A. Atuilik. Main Determinants of Banks' Stability: Evidence from Commercial Banks in Ghana. Journal of Finance and Economics. 2021. Vol. 9. no. 2. P. 42-52.



10. Farag, M., Harland, D. & Nixon, D. (2013). Bank capital and liquidity. Bank of England Quarterly Bulletin, 53(3), 201-215.

11. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2017. – с. 648.

12. Б.Б.Бабаев “Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования”. Диис. На соиск уч. ст. к.э.н.-Т.: БФА.,2002.

13. Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев ва У.Ортиков. « Банк ресурслари ва уларни бошқариш» Тошкнт. Иктисод-Молия, 2009йил. Б-48-49.

14. Обиджонов Ж., Азизов У. Молиялаштиришни такомиллаштириш йўлида //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2000. -№4. –Б.12-14.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик бюллетени маълумотлари

16. “Асакабанк” АЖнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди